

**Фаргона водийси этнографиясининг ўрганилиши  
(Мустақиллик йиллари ижтимоий-гуманитар журналлардаги мақолалар асосида).**

Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар турли фанлар шу жумладан, тарих соҳасини ҳам камраб олди. Бу муҳит республикамиз тарихчи олимларининг собиқ шўролар даври йўл қўйилган бир қатор камчиликларини тугатиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, ўзбек халқининг маънавий мероси ва қадриятлари, этногенези ва этник тарихини ўрганишга катта йўл очилди. Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини, демократик эркинлигини қўлга киритганидан сўнг ушбу муҳим мавзунга нафақат батафсил тадқиқ қилиш, балки, бу масалаларни маҳаллий тарихчилар томонидан битилган энг бирламчи манбалар асосида ўрганиш, эртанги кун йўналишларини белгилаш учун катта имкониятлар юзага келди.

Юртбошимиз И. А. Каримов ўринли таъкидлаганидек, “Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади... масалага ана шундай илмий асосда ёндашиб, қадимий тарихимизни ўрганиш ва баҳо беришда унинг бирор-бир даври ёки жабҳасини эътибордан четда қолдирмас”<sup>1</sup> дан кўриб чиқиш нафақат тарихни тўлақонли шакллантириш, балки, келгусидаги истиқболларини белгилашдек олий мақсад сари бормоғимиз даркор.

Фаргона водийси қулай тарихий-этнографик минтақада жойлашганлиги жиҳатидан доимо этнографик йўналишда изланишлар олиб боровчи тадқиқотчиларни диққат марказида бўлиб келган. Этнографик тарафдан моддий ва маънавий маданиятни ўрганиш уларни тарихий илдиларини (келиб чиқшини) билишга интилиш ўз навбатида археологик билимларни ҳам билишни тақозо этади. Ҳар бир археологик манзилгоҳлардаги топилмалар моддий ва маънавий маданиятларнинг пайдо бўлишигина эмас балки, ривожланиш босқичлари, ташқи омиллари натижасида ўзгариб борганлигини ҳам кўрсатиб беради. Водий археологиясини ўрганган тадқиқотлар кўплаб учраши мумкин лекин биз уларни этнографик томонларини назардан ўтказамиз. Хусусан, водийдаги деҳқончиликнинг пайдо бўлиши<sup>2</sup>, дастлабки шаҳарлашган марказларнинг вужудга келишида қадимги деҳқончиликнинг роли катта бўлганлигини<sup>3</sup>, хунармандчиликнинг ривожланган тармоқлари: кулолчилик, унинг сифати, безаклари<sup>4</sup>, ипак ва пахтадан фойдаланиб тикилган кийимларнинг қадимий илдилари<sup>5</sup>, диний эътиқоди, турли хил бўлган кўмиш маросимлари<sup>6</sup>, зардуштийлик дафн маросимлари<sup>7</sup>лари, шунингдек ҳудудда туркий тилли аҳоли яшаганлиги, қабила уруғ номлари этнотопоним<sup>8</sup> сифатида сақланиб қолганлигига доир қилинган ишлар халқларга тегишли бўлган этнографик маълумотларнинг бошланиши ҳисобланадики, олиб бориладиган тадқиқотларда давомийликни таъминлайди.

Фаргона водийси табиатидан келиб чиқиб, иқлими яшаш учун қулай бўлганлиги, хўжалик юритишда тупроқ унумдорлиги юқорилиги, сув ресурсларига бойлиги жиҳатида бошқа тарихий-этнографик минтақалардан фарқ қилганлиги сабаби қадимдан турли қабила ва уруғларнинг кириб келиб ўрнашган. Бу этнослар устида ёзма манбалар ҳамда дала тадқиқотлари орқали тадқиқот олиб борилиши нафақат турғун аҳоли моддий ва маънавий маданияти балки, кириб келган халқларнинг хўжалик юритиш шакли, оилавий муносабатлари, моддий маданияти, эътиқодий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.—Т.: Маънавият, 2008. —Б. 97.

<sup>2</sup> Анорбоев А.А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар//Ўзбекистон тарихи. 2004. —№ 4. —Б.3-14.

<sup>3</sup> Матбобоев Б.Х. Ўлкамиз тарихидан//Фан ва турмуш. 1993. —№ 2. —Б. 21.; Анарбаев А.А. Города северной Ферганы в древности и раннем средневековье//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. —№ 1-2. —Б. 47-51.; Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдилари//Ўзбекистон тарихи. 2002. —№ 1. —Б. 3-11.; Анарбаев А.А., Максудов Ф.А. Роль Маргилана в истории цивилизации Центральной Азии//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2007. —№ 4. —Б. 3-10.; Анарбаев А.А., Максудов Ф.А. Древнее земледелие южной Ферганы и образование города Маргилана//Ўзбекистон тарихи. 2007. —№ 2. —Б. 77-90.

<sup>4</sup> Анорбоев А.А., Илёсова С. “Фикр айтишга шошилма”//Фан ва турмуш. 2007. —№ 5-6. —Б. 60-61.

<sup>5</sup> Матбобоев Б.Х. Ўлкамиз тарихидан//Фан ва турмуш. 1991. —№ 5. —Б. 19.; ўша муаллиф. Древние истоки ткачества Ферганы//Фан ва турмуш. 2007. —№ 5-6. —Б. 19-21.; ўш муаллиф. Фарғона тўқимачилигининг кўхна илдилари//Фан ва турмуш. 2007. —№ 5-6. —Б. 22-26.; .

<sup>6</sup> Матбобоев Б.Х. Шимолий Фарғонанинг қадимги мазорларини ўрганишга доир (Говасой ва Косонсой ҳавзалари)//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1993. —№ 6. —Б. 19-23.; ўша муаллиф. Қадимги Фарғонадаги дафн маросимлари//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. —№ 5. —Б. 47-52.; ўша муаллиф. Древние истоки ткачества Ферганы//Фан ва турмуш. 2007. —№ 5-6. —Б. 19-21.; ўш муаллиф. Фарғона тўқимачилигининг кўхна илдилари//Фан ва турмуш. 2007. —№ 5-6. —Б. 22-26.;

<sup>7</sup> Матбабаев Б.Х. Оссуарии Ферганы//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1993. —№ 2. —Б. 43-47.

<sup>8</sup> Матбабаев Б.Х., Машрабов З. Андижан: городская культура и этапы ее развития (историко-археологическое исследование)//Ўзбекистон тарихи. 2007, —№ 4. —Б. 35-48.

карашлари, маҳаллий аҳоли билан муносабатнинг турли кўринишлари (савдо-сотик, маданий)ни ёритувчи ишларни яратилишига олиб келди.

Г. Қосимова ўз изланишлари орқали уйғур қабиласининг босиб ўтган тарихий даврдаги шугулланган оилавий турмушидаги хўжалик фаолиятига тўхталиб, турли манбаларни ўрганган ҳолда уйғурларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан Фарғона водийси худудига кириб келганлигини, “ўз тили, урф-одатлари, санъати ва маданиятини сақлаб қолганлигини”<sup>9</sup>, уйғур атамасининг пайдо бўлиши, шунингдек манбаларда турлича номланганлиги ҳақида, кейинчалик бу этнос номи яшаб турган жой номлари билан аталганлиги<sup>10</sup> ҳақидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Фарғона водийси ижтимоий-сиёсий ва этнослар ҳаётининг турли даврларида қипчоқларнинг тутган ўрни каттадир. “Фарғона қипчоқлари” мақоласи<sup>11</sup> орқали қипчоқ қабилаларининг худудга кириб келиши натижасида хўжалигидаги ўзгаришлар, водийнинг турли туманларида ўтроқ турмуш тарзига ўтиши, турли уруғ ва қабилаларга бўлинганлиги ҳақидаги қисқа бўлсада XIX-XX аср бошларида қипчоқлар ҳақида умумий маълумотлар олиш имкониятини берса, А. Бегматов мақоласида<sup>12</sup> найманлар ҳақидаги манбаларни таҳлил қилиб уларнинг дастлаб яшаган жойлари, XIII аср бошларида юртимизга кириб келганлиги, кейин эса найман номи билан аталувчи топонимлар вужудга келганлиги, диний эътиқоди ҳақида қимматли далилларни келтирган.

М. Ғозиев водий тожиклари ҳақидаги мақоласида<sup>13</sup> уларнинг икки гуруҳга: водий тожиклари ва тоғли тожикларга бўлиб, тоғли тожиклар ҳақида сўз юритади. XV-XVI асрдан бошлаб тоғли тожиклар қасбидан келиб чиқиб худудга кириб келганлиги, ташкил этган қишлоқ ва овуллари аввалги яшаган жойларидан келиб чиқиб (Гулпион, Лаган, Лангар, Қаълача, Пингон ва шунга ўхшаш) номланганлиги, кийимлари, суннат ва никоҳ маросимлари ҳамда XX аср ўрталаригача бўлган тарихи баён этилган.

Этнос масаласи ҳақида гап борганда нафақат тарихчи балки бошқа соҳа вакиллари учун ҳам қизиқарли ва баҳс мунозарага бой саволлар юзага келади. Айниқса, лўлилар ҳақида гап борганда. Ш. Атаханов лўлиларнинг Марказий Осиёга кириб келиши унинг сабаблари ва йўналишлари, лўли этнонимларининг пайдо бўлиши ва турли уруғларининг этимологияси ёритилиб, хулоса қисмида лўлиларнинг келиб чиқиш ватани Ҳиндистон бўлганлиги “уларнинг Марказий Осиёга кириб келиши лўлилар миграциясининг энг қизғин палласи тахминан X-XI асрларга тўғри келади...узилишлар билан XIX аср охири-XX аср бошларигача давом”<sup>14</sup> этишини, Марказий Осиёга кириб келган лўлилар “турғунлашгандан сўнг ўтган вақт мобайнида... янги-янги қасб қорларни ўзлаштирдилар. Шунингдек ўзларининг анъанавий қасб қорларини замон талабларига мослаган ҳолда ҳозирги кунгача сақлаб”<sup>15</sup> келганлиги ҳақида водий яшовчи лўлиларга камроқ тўхталиб умумий фикрларини баён этиб ўтган бўлсада, келтирилганлардан таққослаш асосида тегишли хулосалар чиқаришга имкон беради. Мақоладан лўлилар хўжалигида, оилавий турмушида, ўтроқ аҳолининг таъсири сезилари даражада кўринади.

Халқнинг шаклланиши, таркиб топиши ҳамда ривожланишида атрофидан кириб келган этнографик гуруҳларнинг ҳиссаси каттадир. Водий халқларини шаклланишга асос бўлиб хизмат қилувчи хусусиятлардан бири этносларнинг турли хил бўлган соҳаларда ўзаро алоқаларида намоён бўлишини У. С. Абдуллаев кичик тадқиқотлари орқали ёритиб берган. Жумладан, ўзбек ва тожиклар хўжалигини асосини деҳқончилик маданияти ташкил этганлиги, қирғиз ва қорақалпоқ, уйғурлар ўзига хос бўлган хўжалик юритганлигини, бора-бора хўжалик соҳасидаги яқинликни вужудга келишида ярим ўтроқ бўлган қирғиз, қорақалпоқлар ҳаётига анъанавий бўлган деҳқончилик экинлари ўзбек ва тожиклардан ўзлаштирилганлиги, бунинг натижасида XIX-XX асрлар давомида қирғиз ва қорақалпоқлар ўтроқ тарзга ўтиб яшаганлиги савдо соҳасидаги алоқаларда халқлар ўртасида маҳсулот айрибошланганлиги, товар ишлаб чиқариш эса хўжалиқдан келиб чиқиб олиб борилганлигини бу эса ярим ўтроқ, ярим кўчманчи аҳолини донга бўлган эҳтиёжини ўтроқ аҳоли тўлдирганлигини ва аксинча чорва маҳсулотлари, хўжалик, хунармандчилик буюмларини ярим кўчманчилар томонидан айрибошланганлигини<sup>16</sup>, XIX-XX асрда ўтроқ этнослар етиштирган маҳсулотлар, хунармандчилик буюмлари, турли хил бўлган козоқ, қорақалпоқ, қирғиз, қипчоқ, уйғурлар томонидан асосан чорва маҳсулотлари уч турдаги: ярмарка, тўхта-тўхтаб бўладиган, доимий ишлайдиган бозорларда сотилганлиги ҳақидаги

<sup>9</sup> Қосимова Г. Уйғурлар ўтмишига бир назар//Мозийдан садо. 2002. —№ 4. —Б. 40-41.

<sup>10</sup> Қосимова Г. Тарихий манбаларда “уйғур” атамаси: талкин ва таҳлил//Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2006. —№ 1-2. —Б. 143-145.

<sup>11</sup> Абдуллаев У.С. Фарғона қипчоқлари//Тафаккур. 2006. —№ 2.

<sup>12</sup> Бегматов А. Найманлар//Сирли олам. 1996. —№ 9-10. —Б. 6,9.

<sup>13</sup> Ғозиев М. Каптархона қишлоғи тожиклари (тарихий-этнографик маълумотлар)//Ижтимоий фикр. 2009. —№ 3. —Б. 147-151.

<sup>14</sup> Атаханов Ш. Лўлиларнинг Ўрта Осиё худудига кўчиб келиш тарихидан//Ўзбекистон тарихи. 2005. —№ 1. —Б. 47-55.

<sup>15</sup> ўша муаллиф. Марказий Осиё лўлилари//Мозийдан садо. 2005. —№ 1. —Б. 35.

<sup>16</sup> Абдуллаев У.С. Хозяйственно-торговые взаимосвязи народов Ферганской долины в канце XIX-начале XX века//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991. —№ 2. —Б. 57-60.; ўша муаллиф. Фарғона водийси халқларининг хўжалик фаолияти соҳасидаги ўзаро муносабатлар тарихидан//Ўзбекистон тарихи. 2002. —№ 4. —Б. 48-53.

маълумотлар<sup>17</sup> статистика асосида келтирилганки, этносларнинг яқинлашувида, алоқаларида савдонинг ўрни талайгина эканлиги қайд этиб ўтилган.

У. С. Абдуллаев Фарғона водийси этносларининг моддий маданияти соҳаларидаги алоқалари хусусида ҳам ўз тадқиқотларида тўхталиб<sup>18</sup>, турли хил водий этносларини илмий адабиётлар ва дала тадқиқотлари асосида ўрганиш орқали деҳқончилик билан қадимдан шуғулланиб келган ўзбек ва тожик халқлари қирғиз, қипчоқ, юз, минг, турк, қурама каби этнослар хўжалик-маданий, савдо, моддий маданияти хусусан, уй қурилиши ва жиҳозланиши, кийимлари ва унинг тикилиши, таомлари ва уларнинг тайёрлашда кўпроқ ўтроқ аҳолининг таъсир этганлиги, XIX-XX аср бошларига келиб водий ҳудудидаги этник жамоаларининг ўтроқ этнослар билан муносабатда яқинлашуви янада авжига чиққанлигини келтириб ўтганки, водий этнослараро алоқаларини ўрганишда тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Водий этнослараро алоқаларига доир этнографик изланишлардан ташқари манбавий ва тарихий тадқиқотлар ҳам борки, биз кўриб чиқаётган ҳудуд тўғрисидаги тегишли бўлган масалалар келтирилган. Жумладан, Ш. Қўлдошев мақоласида<sup>19</sup> водийни шарқий ҳудудни кенгайтириш ва қарвон йўлларини хавфсизлигини, тинчлигини таъминлаш мақсадида кўчманчи тарзда яшовчи қирғиз қабилаларини доимий яшашга ўтганлиги сабабларини очиб берса, З.Мадрахимов эса турғун ва ярим кўчманчи аҳолидан ташқари ҳиндлар ва яҳудийлар савдо-сотик, ҳунармандчилик билан шуғулланганлиги тўғрисида аҳамиятга эга бўлган маълумотлари мавжуд<sup>20</sup>.

Қишлоқ-азалдан этнослар яшаш манзилгоҳи, турар жойлар жойлашган, хўжаликнинг турли шаклларига ихтисослашган макон ва халқларга ҳос бўлган анъанавий маросим, урф-одатлар авлоддан-авлодга сақланиб келинаётган маълум ҳудудда жойлашган масқандир.

В. Б. Ҳақлиев мақоласида<sup>21</sup> қишлоқ жамоасининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, деҳқончилик шунингдек чорвачилик хўжалиги билан шуғулланганлигини, жамоа томонидан сайланадиган оқсоқолнинг қиладиган ишлари ва вазифалари, оқсоқол бошчилигида ҳашар йўли билан суғориш тармоқларини тозалаш, хўжалик уйлари, жамоа бинолари ҳисобланган масжид, чойхона, оловхона қуриш ва йўл, кўприклар тузатиш ишлари муаллиф хулосада келтирганидек, “қишлоқ жамоаси турмуши ҳашар жуда катта ижтимоий аҳамият касб”-этиб-“оилавий маросимларгача кириб борган”<sup>22</sup>лигини асосли равишда келтирган.

Водий ярим ўтроқ ҳамда чорвадор аҳолиси уй-жойларини ўрганишда И. Хўжахоновни тадқиқотларида муҳим маълумот келтирилиб, чорвадор аҳолининг уй қурилишига, ўтовнинг қуришдан мақсад, қуриш жараёни, ўтовда оила аъзоларининг жойлашув ўрнига батафсил тўхталиб, хулоса қисмида “XIX аср охири-XX аср бошларида Фарғона водийсида яшовчи чорвадор аҳоли анъанавий *ўтовларда* истиқомат қилган. *Ўтовларни* ўрганилиётган даврда уларнинг чорвадорлар томонидан кенг фойдаланишининг иккита асосий омили бўлганлигини ... Биринчиси, иқтисодий омил, яъни ўтовлар кўчириб юриши қулай ... уй эканлиги бўлса, иккинчиси, этник омил, улар ярим ўтроқ аҳолининг анъанавий никоҳ уйи эканлиги ҳисобланган”<sup>23</sup>. Кейинроқ эса ярим кўчманчи ва чорвадор аҳолини ўтроқ яшаш тарзига ўтганлигини, доимий уйларга ўтиши XVII аср охири-XVIII аср бошларида бошланиб, XIX аср охири-XX аср бошларида ўз ниҳоясига етганлигини<sup>24</sup> ташқи ҳамда иқтисодий омиллар асосида изоҳлаб берган.

Анъана ва маросимлар ҳар бир этносга ҳос бўлган турли кўринишларга эга урф-одатлар мажмуини ташкил этиб. Истиклол йилларидан бошлаб аждодлар мероси ҳисобланган инсон ҳаёти давомининг турли давларидан бажариладиган диний кўринишдаги миллий маросимлар, урф-одатларни ўрганиш, тадқиқотлар бажарилиши натижасида чекловлар асосида олиб борилган маданиятимиз, анъаналаримиз тикланмоқда. Хусусан, турли этносларга тегишли никоҳ удумлари<sup>25</sup>, “Авесто”да йигит ва қизга оила қуришдаги масъулият ва талаблар, айрим зардуштийлик

<sup>17</sup> Абдуллаев У.С. О роли торговых взаимоотношений населения Фернской долины в укреплении межэтнических связей (конец XIX—начало XX века)//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. —№ 1. —Б. 61-64.

<sup>18</sup> Абдуллаев У.С. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в канце XIX-нацале XX века//Ўзбекистон тарихи.1999. —№ 4. —Б. 62-69.; ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги этнослараро муносабатлар тарихидан//Ўзбекистон тарихи. 2005. —№ 4. —Б. 65-71.; ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги этнослараро муносабатлар тарихидан//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2006. —№ 3. —Б. 63-67.

<sup>19</sup> Қўлдасев Ш. XVIII аср ўргаларида Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон ва Хитой билан алоқалари//Ижтимоий фикр. 2007. —№ 3. —Б. 126-130.

<sup>20</sup> Мадрахимов З. Наманганнинг Қўқон хонлиги савдо алоқаларида тутган ўрни//Мозийдан садо. 2008. —№ 2. —Б. 28-29.

<sup>21</sup> Ҳақлиев В.Б. XIX аср охири-XXаср биринчи чоракларида Фарғона водийсида қишлоқ жамоаси (Шимолий Фарғонанинг тарихий-этнографик маълумотлари асосида)//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. —№ 3-4. —Б. 81-85.

<sup>22</sup> ўша муаллиф. Ҳашар қадимдан яшар//Фан ва турмуш. 1997. —№ 4.

<sup>23</sup> Хўжахонов И. Фарғона водийси чорвадор аҳолисининг анъанавий уй-жойлари хусусида//Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2005—№ 2. —Б. 83-84.

<sup>24</sup> ўша муаллиф. Фарғона водийсида ярим ўтроқ аҳоли доимий уй жойлари трансформациясининг баъзи жиҳатлари (XIX аср охири-XX аср бошлари)//Ўзбекистон тарихи. 2006. —№ 1. —Б. 58-64.

<sup>25</sup> Жуманазаров Э. Қирғиз ва ўзбекларнинг никоҳ удумлари тарихидан (XIX аср охири-XX аср)//Ўзбекистон тарихи. 1999. —№ 3. —Б. 50-53.

одатларини ҳозирги кунгача кундалик турмушда амал қилиб келинаётганлиги<sup>26</sup>, водий билан тарихий-этнографик минтақалардаги унаштирув, тўй ва тўйдан кейинги маросимлари қиёсланган<sup>27</sup> ҳолда тадқиқот олиб борилмоқдаки, буларнинг замирида А. А. Аширов хулосаларида келтирилгандек, “Фарғона водийси никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ урф-одатлардан асосий мақсад серфарзанд, мустаҳкам, фаровон оилани яратишга қаратилган. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларида водий ўзбекларининг бир неча минг йиллик тарихи давомидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий қиёфасини, бой маданий меросини, турмуш тарзи намоён этилганлиги”<sup>28</sup> кўриб ўтишимиз мумкин.

А. А. Аширов оилада, моддий маданиятда, хўжаликда қилинадиган ишларда зардуштийлик дини маросим ва урф-одатлари асосида кўриб чиқади. “Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик излари” мақоласида<sup>29</sup> Фарғона водийсидаги этнослар мисолида тайёрланган бўлиб, оилада 7 ёшдан бошлаб фарзанд диний дуоларни билиши, ҳаёт жараёнида бажарадиган ишлари, йил давомида ҳосил йиғиб олингунгача бўлган вақтдаги турли маросимлар ўтказилганлиги қайд этиб ўтилган. Муаллиф инсоннинг вафоти билан боғлиқ дафн маросимлари, ғассоллар вазифалари, дафн қилингандан кейин марҳумга атаб қилинадиган амаллар, “давра солиш” маросимларига тўхталиб<sup>30</sup>, “халқимизнинг мотам маросимлари билан боғлиқ удумларидаги турли-туман урф-одат ва расм-русмлар, гарчи ташқаридан қаралганда асосан ислом дини шариат қоидаларига асослангандай кўринса-да, лекин аслида ўтказилаётган маросимларда юртимизга ислом дини кириб келгунига қадар ҳукмрон бўлган зардуштийлик дини изларининг ўзига ҳос”<sup>31</sup> кўринишлари мавжудлигини кўрсатиб ўтган. Шунингдек, хўжаликда дехқонлар ҳосил етиштириш пайтидаги<sup>32</sup>, турар жой қуриш жараёнидаги, уй қисмлари билан боғлиқ ҳолдаги зардуштийлик урф-одатлари, иримларини келтириб<sup>33</sup> ўтадики, бу қилинган ишлар Фарғона водийси қабила ва халқларини ўрганишда амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлган нафақат диний тарафдан, балки, иқтисодий ва ижтимоий томонларини очиб беришга ҳизмат қилади.

Яна шундай мақолалар ҳам борки, водий аҳолисини фақатгина зардуштийлик эмас, балки, шомонлик<sup>34</sup>, тотемизм<sup>35</sup> кўринишидаги дастлабки диний маросим ва урф-одатларидан ҳаёт давомида фойдаланганлигидан дарак беради.

Фарғона водийсида яшовчи турли хўжалик юритиш шакллари, ўзига ҳос яшаш тарзига, маданиятга, эътиқодга эга бўлган этносларни ёритувчи мақолалар натижалари шуни кўрсатадики:

- илмий изланишларда кўп ҳолатларда XIX-XX асрга эътибор берилаётганлиги;
- муаммони ёритишда фақатгина этнографик адабиётлардан ташқари қўлёзма манба ва археологик, антропологик маълумотлардан ҳам фойдаланиш (ёки жалб этиш) биринчидан ишнинг аниқлик даражасини кучайтирса, иккинчидан ўз навбатида ҳудуддаги қабилаларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, қадимги ва антик давр қабилалари, кишлоқ жамоалари ўртасидаги моддий ва маънавий хўжалик, ҳунармандчилик алоқаларини таъсирини, этносларга ҳос бўлган ҳудудлараро муносабатларида турли хўжалик юритишдаги фарқли ва ўхшаш томонларини очиб бериш, водий этнографиясиги доир кейинги тадқиқотлардаги узлуксизликни таминлаш, халқлар ўртасидаги ривожланишни янги тармоқларини очиб беришга ҳизмат қилиши мумкин.

#### **ИЗУЧЕНИЯ ЭТНОГРАФИИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ (НА ОСНОВАНИИ СТАТЬИ В СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ ЖУРНАЛАХ В ПЕРИОДЕ НЕЗАВИСИМОСТИ)**

В статье, проанализировалас статьи, которые опубликованы в социально-гуманитарных журналах в периоде независимости Республики Узбекистан. Автор, во время изучение этнографии, спектры общественности, культуры, обычаи и традиции Ферганской долины, особо уделял внимание на последовательности этнографии долины и в других источниках.

<sup>26</sup> Аширов А.А. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила-турмуш маросимлари ҳақида//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. —№ 1. —Б. 49-53.

<sup>27</sup> Тошева Г., Аширов А.А. Урф-удумлар замиридаги ҳикмат//Тафаккур.2006. —№ 2. —Б. 92-93.

<sup>28</sup> Аширов А.А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида)//Ўзбекистон тарихи. 2003. —№ 2. —Б. 38-45.

<sup>29</sup> ўша муаллиф. Ўзбек халқи турмуш тарзида зардуштийлик излари//Ўзбекистон тарихи. 2001. —№ 1. —Б. 3-12.

<sup>30</sup> ўша муаллиф. Самовий тулпорлар//Фан ва турмуш. 2001. —№ 3. —Б. 30-31.; ўша муаллиф. Ўзбек халқи мотам маросимларида зардуштийлик излари//Ўзбекистон тарихи. 2002. —№ 1. —Б. 65-72.

<sup>31</sup> ўша тадқиқот. —Б. 71.

<sup>32</sup> ўша муаллиф. “Авеста” ва қадимий дехқончилик анъаналари ҳусусида айрим мулоҳазалар//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2005.—№ 1-2. —Б. 112-117.

<sup>33</sup> ўша муаллиф. Ўзбек халқининг тураржойлар билан боғлиқ урф-одатларида диний эътиқодлар симбиози//Ўзбекистон тарихи. 2007. —№ 3. —Б. 56-66.

<sup>34</sup> ўша муаллиф. Руҳлар танлаган одамлар//Фан ва турмуш. 1999. —№ 3. —Б. 10-11.

<sup>35</sup> Богомолов Г. Древние верования и ритуалы Ферганы//Фан ва турмуш. 2007. —№ 5-6. —Б. 27-31.

**The exploration of the ethnography of Fergana valley**  
**(based on the article published on socio-humanitarian magazines of the period of independence)**

In the article has been analyzed the article published on socio-humanitarian magazines in the years of independence. The author shows the significance of ethnographic literatures to explore the nations and their life style, relations in different spheres, financial culture and traditions of Fergana valley in relations with necessity of the going-on usage of other source.